«APEX INSURANCE» АЖ

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Бошқарув раиси

лавозими

Юнусов Ж.Д.

Ф.И.О.

имзо

«___» _____ 20___ й.

сана

«APEX INSURANCE» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

(учта суғурта тавакkалчилиги билан)

Маҳсулот коди: 0307

Ҳужжат "APEX INSURANCE" АЖ мулки ҳисобланади ва тўлиқ ёки қисман кўпайтирилиши, шунингдек, хеч қандай чекловларсиз учинчи шахсларга берилиши мумкин. Ҳар қандай ўзгаришлар фақат Юқори раҳбарият томонидан киритилади ва ушбу ҳужжатнинг асл нусхасида қайд этилади.

Мундарижа

Ўзгартиришларни қайд этиш варағи..... 2
1. Атамалар..... 3
2. Шартнома предмети..... 6
3. Суғурта объекти ва суғурта ҳодисаси..... 6
4. Истиснолар..... 6
5. Суғурта қиймати, суғурта пули ва суғурта мукофоти..... 9
6. Шартномани тузиш тартиби ва амал қилиш муддати. Шартномани бекор қилиш ва тугатиш..... 9
7. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари..... 10
8. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлганда, томонларнинг ҳатти-ҳаракатлари 12
9. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлганда, суғурталовчига тақдим этиладиган ҳужжатлар. Суғурта даъволарини кўриб чиқиш тартиби..... 14
10. Суғурта товонини тўлаш тартиби 16
11. Суброгация..... 18
12. Томонларнинг жавобгарлиги..... 18
13. Бошқа шартлар 19
14. Томонларнинг манзили ва реквизитлари..... 19
15. Суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома 20
16. Транспорт воситасини кўздан кечириш далолатномаси..... 21
17. Юбориш..... 22
18. Рўйхатдан ўтказиш варақаси..... 22

Ўзгартиришларни қайд этиш варағи

№ ўзгартиришлар	Ўзгартиришлар мазмуни	Тасдиқланган	Кучга киритиш	Ҳужжатни бошқариш учун масъул шахснинг имзоси

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТА ҚИЛИШ
__-___/____- сонли ШАРТНОМАСИ
(3-класс суғурта қилиш Қоидаларига асосан ишлаб чиқилган)

_____ш. «____» _____ 20__й.

“APEX INSURANCE” АЖ *(Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш 20.10.2025 йилдаги 1104201-сонли лицензияси (лицензиялар реестридаги рақами SF00030)),* кейинги ўринларда **“СУҒУРТАЛОВЧИ”** деб юритилувчи номидан _____ асосида иш юритувчи _____ бир томондан,

кейинги ўринларда **“СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ”** деб номланувчи, _____ номидан _____ асосида иш юритувчи _____ бошқа томондан,

биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, Транспорт воситаларини комплекс суғурта қилиш шартномасини *(бундан буён матнда - мазкур Шартнома деб юритилади)* тузишди:

1 БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Мазкур Шартномада ишлатиладиган атамалар қуйидаги тушунчаларга эга:

Наф олувчилар — уларнинг фойдасига мазкур Шартнома тузилган шахслар. Мазкур Шартномага кўра, қуйидагилар Наф олувчилар ҳисобланади:

- “Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги бўйича — Суғурта қилдирувчи;
- “Автофуқаролик жавобгарлиги” таваккалчилиги бўйича — ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етган учинчи шахслар ёки уларнинг қонуний меросхўрлари;
- “Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса” таваккалчилиги бўйича — Суғурталанган шахслар ёки уларнинг қонуний меросхўрлари.

Ҳайдовчи — суғурталанган ТВни қонуний асосларда бошқарувчи ва амалдаги тегишли тоифадаги ТВни бошқариш ҳуқуқи бўйича белгиланган намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда суғурталанган ТВни бошқаришга қўйилган жисмоний шахс.

Суғурталанган шахслар — суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтда, суғурталанган ТВнинг ичида бўлган, ҳайдовчи ва/ёки йўловчилар.

Учинчи шахслар — юридик ва жисмоний шахслар, бундан Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи, суғурталанган ТВдаги ҳайдовчи ва йўловчилар мустасно.

Транспорт воситаси (бундан буён матнда — ТВ) — ЙҲҲББ томонидан рўйхатга олинган ёки рўйхатга олиниши лозим бўлган маҳаллий ёки чет элда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари.

Суғурталанган ТВ — суғурта полисида, шунингдек унинг иловаларида, шу жумладан ТВни кўздан кечириш далолатномасида (фотосуратлар ва/ёки видео ёзувлар билан) кўрсатилган (идентификация қилинган) ТВ.

Суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома — мазкур Шартноманинг 1-сонли иловадаги шаклига мувофиқ суғурта полисининг ажралмас қисми ҳисобланадиган, Суғурталовчининг талабига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан юз бериши мумкин бўлган суғурта хавфини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида тақдим этилган ёзма маълумоти.

ТВни суғурта (ҳақиқий) қиймати — рақобат шароитида очиқ бозордан айнан шундай ТВ сотиб олиниши мумкин бўлган қиймат.

Суғурта пули — суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчининг чегараланган жавобгарлик доирасини ифодаловчи пул маблағлари миқдори. Мазкур Шартнома шартларига кўра, суғурта пули ҳар бир суғурта таваккалчилиги учун суғурталовчининг жавобгарлиги чегараларининг йиғиндисини ифодалайди.

Суғурта полиси – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тарзда расмийлаштирилган, суғурта амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Суғурта даври – мазкур Шартнома шартларига мувофиқ Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари амал қиладиган вақт оралиғи.

Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши — ЙТҲ, ёнғин, портлаш, табиий офатлар, ташқи механик таъсир, тўсиққа урилиш, учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари, ўғирлаш (олиб қочиш) натижасида суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши.

Йўл-транспорт ҳодисаси *(бундан буён матнда – ЙТҲ)* – транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

Ёнғин – очиқ олов манбаларининг суғурталанган транспорт воситасига ташқи таъсир натижасида юзага келган, бироқ, транспорт воситасининг ўз-ўзидан ёниши ва/ёки транспорт воситаси электр ускунасининг қисқа туташуви, носозлиги ва/ёки авария режимида ишлаши билан боғлиқ бўлмаган назоратсиз ёниши.

Портлаш — қисқа муддат оралиғида чекланган катта ҳажмдаги энергиянинг чиқиши ва ажралиши билан келтириб чиқарган, кенгаётган газ ва буғларнинг талофатли таъсири билан кузатиладиган шиддат билан кечадиган жараён.

Табиий офатлар — табиат билан боғлиқ воқеалар, бунда улар ўзининг интенсивлиги, тарқалиш миқёси ва давомийлиги билан одамларга, иқтисодиёт объектларига ва табиат атроф-муҳитига талофатли таъсирни келтириб чиқариши мумкин. Табиий офатлар деганда, ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тасдиқланган мезонларга етган табиий тусдаги фавқулоддаги вазиятлар ва/ёки хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тушунилади.

Табиий офатларга, мазкур Шартнома доирасида, қуйидагилар киради: зилзила, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), бўрон, тўфон, жала, яшин уриши, сув тошқинлари, сув тўпланиши ва селлар, туман, яхмалак, дўл.

Ташқи механик таъсир — ТВга қуйидагилар оқибатидаги таъсири:

- қаттиқ жисмларнинг қулаши, урилиши ёки бошқа таъсири (шу жумладан қор, ях, устун, дарахтлар, йўл белгилари, реклама конструкциялари ва ш.к.) ёхуд қаттиқ жисмлар билан ТВнинг бошқача ўзаро ҳаракатга киришиши;
- бошқа ТВларнинг ғилдираклари остидан шағал, тош ва бошқа қаттиқ фракцияларнинг отилиши;
- ТВнинг қулаб тушиши ёки уни эвакуаторда ташиш чоғида ТВнинг бошқа ТВ ва/ёки жисмлар билан ўзаро ҳаракатга кириши;
- кўприк ёки тоннелларни, уларнинг қисмларини (конструктив элементларини) вайрон бўлиши, қулаши, шунингдек тупроқ, йўл қопламаси ёки сунъий иншоотнинг ўпирилиши, чўкиши ёки бошқа турдаги силжиши (ҳаракатланиши);

• ҳайвонларни ҳатти-ҳаракати — ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракати натижасида ТВни ташқи шикастланиши, ТВ салони элементлари ва фақат ТВнинг ичида бўлган элементларнинг шикастланиши бундан мустасно;

Тўсиққа урилиш — туташган ҳудудда (бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ҳовлилар, маҳаллалар, турар жой даҳалари, транспорт воситаси тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, корхона ва шунга ўхшашлар) суғурталанган ТВни ҳаракатсиз жисмни (кўприк таянчи, бордюр, симёғоч устунлари, дарахт, тўсинлар ва ҳоказо) босиб кетиши ёки урилиши оқибатида содир бўлган воқеа.

Учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари — қонунчиликда жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлик белгиланган, ТВнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), шикастланишига бевосита сабаб бўлган учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий айбли ҳатти-ҳаракатлари, бундан ўғирлик мустасно.

Олиб қочиш — ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ ўғрилик, талончилик, босқинчилик ёки ўғирлик мақсадисиз (олиб қочиш) транспорт воситасини ноҳуқуқий эгаллаш деб квалификация қилинган воқеа натижасида суғурталанган транспорт воситасининг йўқотилиши.

Автофуқаролик жавобгарлиги — мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида ТВЭФЖМСҚ шартномаси бўйича суғурталовчи тан олган, ТВни бошқаришга қўйилган шахсларнинг ТВни бошқаришида содир бўлган ЙТҲ оқибатида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига етказилган зарар бўйича Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги, бундан ТВдаги йўловчилар олдидаги жавобгарлик мустасно.

Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса — ЙТҲ, портлаш, ёнғин ёки табиий офатлар оқибатида ТВда бўлган Суғурталанган шахсларнинг (йўловчилар ва/ёки ҳайдовчининг) тан-жароҳатлар олиши, умумий меҳнатга лаёқатини доимий йўқолиши (ногиронлиги) ёки ўлими, бундан учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари мустасно.

Эвакуация – “Суғурталанган транспорт воситасини йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги доирасидаги санаб ўтилган воқеалар оқибатида суғурталанган транспорт воситасига шикаст етказилиши сабабли ҳаракатлана олмаслиги ва/ёки ундан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ тақиқланиши ҳолатларида транспорт воситасини эвакуация қилиш билан боғлиқ харажатлар.

Шартсиз франшиза — *(бундан буён матнда – “Франшиза”)* — “Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги бўйича суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи томонидан қоплаб берилмайдиган Суғурта қилдирувчининг зарарининг қисми.

Суғурта ҳудуди — суғурта ҳимояси татбиқ этиладиган Ўзбекистон Республикаси ёки хорижий давлатнинг ҳудуди. Агар хорижий давлат ҳудуди суғурта полисида тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, суғурта (суғурта ҳимояси) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади. Агар суғурта ҳудуди хорижий давлат ҳудуди этиб белгиланган бўлса, ташқи механик таъсир ва тўсиққа урилиш таваккалчиликлари бўйича мазкур Шартномага мувофиқ суғурта татбиқ этилмайди.

ТВни кўздан кечириш далолатномаси – суғуртага қабул қилинаётган ТВни кўздан кечириш натижаларига кўра Суғурталовчи (унинг вакили) томонидан тузиладиган ҳужжат. Кўздан кечириш натижалари Суғурталовчи томонидан фотосуратга олиш ёрдамида ва ТВни

кўздан кечириш далолатномаси шаклида ёзма равишда қайд этилиб, у суғурта полисининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кўздан кечириш далолатномаси Суғурта қилдирувчи ва ТВни кўздан кечирган Суғурталовчининг вакили томонидан имзоланади. Кўздан кечириш вақтида олинган фотосуратлар Суғурталовчининг маълумотлар базасида сақлаб қўйилади ва юридик кучга эга бўлади. Кўздан кечириш далолатномаси тузилмаган ҳолларда, ҳатто Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаган бўлса ҳам, суғурта полиси кучга кирмаган ҳисобланади. Суғурта полиси расмийлаштирилаётганда, суғуртага қабул қилинаётган ТВ янги бўлса (яъни суғуртани амал қилишини бошланиш муддатига ТВ расмий дилерда бўлса), у ҳолда ТВни кўздан кечирилмайди ва ТВни кўздан кечириш далолатномаси тузилмайди.

Юқорида назарда тутилган барча термин ва атамалар мазкур Шартномада улар учун белгиланган маъноларга эга. Мазкур Шартномадаги термин ва атамалар маънога эга бўлмаган тақдирда, уларнинг маънолари Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан эътироф этилади.

2 БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки қўшимча келишилган шартларга, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган истиснолар ва иловаларга мувофиқ, Суғурта қилдирувчи мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши шарти билан Суғурталовчи қуйида назарда тутилган тартиб ва ҳажмда суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида Наф олувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

2.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига тақдим этилган битта ёки бир нечта ТВга нисбатан тақдим этилган суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровномасидаги маълумотлар ишончлилигини ва ҳақиқатга тўғри келишини ва мазкур Шартномани тузишга асос бўлишини тасдиқлайди.

2.3. Суғурталанган ТВни бошқаришга амалдаги тегишли тоифадаги ТВни бошқариш ҳуқуқи бўйича белгиланган намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахслар йўл қўйилиши шарт.

3 БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Мазкур Шартномага кўра суғурта даврида содир бўлган қуйидаги суғурта таваккалчиликлар натижасида Наф олувчига зарар етказилишини келтириб чиқарган воқеалар, суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади:

а) суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши;

б) автофуқаролик жавобгарлиги;

в) Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса.

4 БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Қуйидагилар (қуйидаги ҳолатлар) суғурта ҳодисаси деб ҳисобланмайди ва уларнинг оқибатида юзага келган зарар (зиён) қоплаб берилмайди:

а) Суғурта қилдирувчи, Ҳайдовчи ёки Суғурталанган шахсларнинг суғурта ҳодисаси содир бўлишига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини адо этиши ёки Суғурта қилдирувчи, Ҳайдовчи, Суғурталанган шахсларнинг ёки учинчи шахсларнинг фуқаролик бурчини бажариш ёки ҳаёти, соғлиғи, обрўси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бундан мустасно;

б) Суғурталовчига суғурта объекти, зарарнинг сабаблари ва миқдори тўғрисида Суғурта қилдирувчи, Ҳайдовчи ёки Суғурталанган шахслар томонидан била туриб ёлғон маълумотлар берилиши, шунингдек воқеа тафсилотларини тасдиқлашга ёхуд зарар миқдорига доир сохталаштирилган ҳужжатлар тақдим этилиши;

в) Ҳайдовчининг, Суғурталанган шахснинг ўз жонига қасд қилиши (ўз жонига қасд қилишга уриниш), шунингдек Ҳайдовчининг, Суғурталанган шахснинг, учинчи шахсларнинг

ўзига қасддан зарар етказиши;

г) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи ва рухсатиномага (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси ва ш.к.) эга бўлмаган шахс томонидан суғурталанган ТВнинг бошқариши. Мазкур шарт суғурталанган ТВ ўғирлаб кетилганда тадбиқ этилмайди;

д) суғурталанган ТВни алкогол мастлик ёки ақлий-идоравий фаолиятига таъсир кўрсатувчи наркотик воситалари, психотроп ва бошқа моддалар, реакция тезлигини камайтирувчи дори воситалари таъсири остидаги ҳолатда бўлган шахс томонидан бошқарилиши, шунингдек суғурталанган ТВ ҳайдовчиси ЙТҲ жойидан яшириниши (ЙТҲ содир бўлган жойни ташлаб кетганда) ёки тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортиши, рулни бошқараётганда ухлаб қолиши;

е) Суғурталовчига таъмирлангунга қадар шикастланган ТВни кўздан кечириш учун тақдим этилмаслиги, Суғурталовчини ўзи кўз кечиришни рад этиши бундан мустасно;

ж) суғурталанган ТВдан фойдаланишни белгиловчи ҳужжат (йўриқнома, қоидалар, қўлланма, низом ва бошқалар), ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнувчан ва портовчи моддаларни ва нарсаларни ташиш қоидалари ва шу каби ҳужжатлар шартларининг бузилиши;

з) суғурталанган ТВдан ҳайдашга ўргатиш ёки мусобақа ва синов мақсадларида фойдаланилиши;

и) суғурталанган ТВнинг электр тизими, бошқа ускуналар, жумладан электр симлари қисқа туташуви туфайли транспорт воситасининг носозлиги натижасида юзага келган ёнғин ёки портлаш;

к) суғурталанган ТВнинг деталлари, боғламалари ёки агрегатларини носоз ишлаши ёки қисқа туташуви оқибатида пайдо бўлган ўз-ўзидан ёниб кетиши натижасидаги ёнғин ва портлаш;

л) Суғурталанган ТВни двигатели ва бошқа боғламалари ва агрегатларини қиздириб олиш учун очиқ олов манбаларидан фойдаланилса;

м) ТВда чекиш ёки олов билан эҳтиётсиз муомала қилиниши келтириб чиқарган ТВни шикастланиши;

н) салонда ҳайдовчи ва (ёки) бошқа шахслар бўлган, бўлмаганлигидан қатъий назар, суғурталанган ТВни ўз-ўзидан ҳаракатланиши оқибатида зарар етказилиши;

о) қонунчиликда ўрнатилган тартибда техник кўрикдан ўтмаган суғурталанган ТВдан фойдаланилиши, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатлаштирилмаган газ-балон ускунаси билан жиҳозланган суғурталанган ТВдан фойдаланилиши (мазкур истисно ишлаб чиқарувчи завод томонидан газ балони билан жиҳозланган суғурталанган ТВга нисбатан тадбиқ этилмайди);

п) йўл қўйиладиган тезлик режимидан ошириб ҳайдаш, темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларининг бузилиши ёки светофорнинг таъқиқловчи ишорасига ўтиш, ётиқ чизиқлар, йўналтиргичлар, ёзувлар ва транспорт воситаларни ҳаракатини тартибга солиш белгиларга амал қилмаслик, шу жумладан суғурталанган ТВнинг транспорт оқими йўналишига қарама-қарши чиқиши;

р) суғурталанган ТВда ташилаётган йўловчилар умумий сони/юкнинг тўлиқ умумий вазни, ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган сон/энг кўп вазн миқдоридан ортиқ бўлса;

с) ТВни масофадан туриб бошқариш учун мобиль иловадан ёки автопилот режими фойдаланиши натижасида юзага келган зарар, юқори энергия харажатига эга режимлардан фойдаланилиши, қувватлантириш даражаси назорат қилинмаслиги (минимумгача батареяни қувватлансизлантириб қўйиш), ҳаддан зиёд қизиб кетишига йўл қўйиш;

т) суғурталанган ТВнинг кабинасида, салонида, юкхонасида ёки кузовида бўлган

ҳайвонларнинг зарар етказиши.

у) суғурталанган ТВни завод браки ёки ТВни тиклаш таъмирида бракка йўл қўйилиши оқибатида, шунингдек мустақил экспертнинг хулосаси билан тасдиқланган кафолат ҳодисаси оқибатида суғурталанган ТВни қисмлари, деталлари, боғламалари ёки агрегатларини шикастланиши ёки нобуд бўлиши;

4.2. Қуйидагилар қоплаб берилмайди:

а) суғурта полиси амал қилиши бошланган пайтгача, Суғурта қилдирувчи/Ҳайдовчи билган ёки билмаганлигидан қатъий назар, суғурталанган ТВдаги мавжуд носозликлар ва нуқсонлар;

б) механик ишдан чиқишлар, нотекис ёки ёмон ҳолатдаги қатнов қисм, ўткир жисмларни босиб ўтилиши келтириб чиқарган ғилдирак шиналари ва/ёки дискларини шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши суғурталанган ТВ шикастланишига, йўқотилишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

в) электромобилларнинг аккумулятор батареялари, электр қувватлантириш жихозлари ва станцияларига ҳар қандай сабабларга кўра етказилган зарар.

г) суғурталанган ТВга ўрнатилган, завод комплектациясига кирмайдиган қўшимча ускунанинг нобуд бўлиши, йўқотилиши ёки шикастланиши.

4.3. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида содир бўлганда, суғурта товони тўлашдан озод қилинади:

а) ҳарбий бостириб кириш акти, ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий ёки бошқа шунга ўхшаш тадбирлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), фуқаролик уруши;

б) қўзғолон, оммавий фуқароларнинг тартибсизликлари, миллат миқёсида иш ташлаш;

в) шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракати;

г) ядро портлаши, радиация таъсири ёки радиоактив захарланиш;

д) суғурталанган ТВ давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши.

4.4. Махсус истиснолар. Суғурта товони миқдорини аниқлашда, суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанган ТВга етказилган зарар миқдоридан қуйидагилар чиқариб ташланади:

а) суғурталанган ТВ, шу жумладан унинг алоҳида деталлари ва боғламаларининг, табиий эскириши;

б) ТВнинг товар кўринишини йўқолиши ва ишлаб чиқарувчи завод браки (нуқсони);

в) суғурталанган ТВни такомиллаштириш билан боғлиқ Суғурта қилдирувчи ёки Ҳайдовчининг харажатлари.

4.5. “Автофуқаролик жавобгарлиги” таваккалчилиги бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидалари”да назарда тутилган истиснолар амал қилади.

4.6. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи, Ҳайдовчи ёки Наф олувчининг суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган билвосита ва бошқа харажатлари бўйича (ҳар қандай турдаги жарималар, суғурталанган ТВга етказилган зарарни баҳолаш харажатлари, ТВ тураргоҳ харажатлари, пенялар, меҳмонхона харажатлари, хизмат сафари харажатлари, шикастланган суғурталанган ТВни ташиш харажатлари, даромадни йўқотиш, лизинг ва ижара тўловлари, суғурталанган ТВни бекор туриб қолиши, кафолат муддати тугаши билан боғлиқ моддий йўқотишлар, маънавий зарар ва бошқалар), шунингдек, ҳар қандай тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар ҳамда бошқа харажатларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди.

4.7. Суғурталовчи мазкур Шартномада назарда тутилмаган ва/ёки қайд этилмаган ҳар қандай воқеаларга, шунингдек суғурта ҳудуди ёки суғурта полисининг амал қилиш

муддатидан ташқарида содир бўлган воқеаларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди. Суғурталовчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилинади.

4.8. Агар Суғурта қилдирувчи (Ҳайдовчи/Наф олувчи) мазкур Шартноманинг шартларини бузганлиги Суғурталовчи томонидан аниқланса, ёки Суғурта қилдирувчи (Ҳайдовчи/Наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан бош тортса ёки Суғурта қилдирувчининг (Ҳайдовчининг/Наф олувчининг) айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўламайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 моддаси).

5 БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ, СУҒУРТАЛОВЧИНИНГ ЖАВОБГАРЛИК ЧЕГАРАСИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ. ФРАНШИЗА

5.1. Суғурта пули, Суғурталовчининг жавобгарлиги чегараси, суғурта мукофоти ва франшиза миқдорлари суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровномасида ва суғурта полисида кўрсатилган.

5.1.1. “Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги бўйича суғурта пули миқдори, ТВнинг мазкур Шартнома тузилган кундаги суғурта (ҳақиқий) қийматидан ошмаган ҳолда белгиланади.

5.1.2. “Автофуқаролик жавобгарлиги” таваккалчилиги бўйича суғурта пули, томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

5.1.3. “Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса” таваккалчилиги бўйича суғурта пули, ТВнинг ишлаб чиқарувчи завод паспорти бўйича йўловчи сиғимига мутаносиб равишда ҳар бир ўриндиқ сонига белгиланади.

5.3. Суғурта мукофоти суғурта таваккалчилиги бўйича, Суғурталовчи томонидан тасдиқланган суғурта тарифлари асосида ҳисобланади ва суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўланади.

5.4. Суғурта мукофоти, пул маблағларини Суғурталовчини банк ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсат этилган бошқа тўлов тизимлари воситасида тўланиши мумкин.

5.5. Мазкур Шартнома юзасидан барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида – сўмда амалга оширилади.

5.6. Пул маблағлари Суғурталовчи ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

5.7. Суғурта полиси бўйича суғурта товони тўланганидан сўнг, суғурта полисидаги жавобгарлик миқдори, суғурта пули ва у бўйича тўланган суғурта товони ўртасидаги фарқ доирасида амалда бўлади.

5.8. Агар “Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги бўйича суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936 “Тўлиқ бўлмаган мулкий суғурта” моддасига мувофиқ суғурта товони тўлови суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаб берилади.

6 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1.Мазкур Шартнома томонлар уни имзоланган пайтдан кучга киради ва мазкур Шартнома доирасида берилган суғурта полисида кўрсатилган муддат ичида амал қилади.

6.2. Мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида келтирилган шаклда тузилган суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома, шунингдек тўланган суғурта мукофоти, суғурта полиси берилишига асос ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи, суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома ва унинг иловаларида

келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик олиб боради. Суғурта қилдирувчининг алдаши таъсири остида мазкур Шартнома Суғурталовчи томонидан тузилганлиги ва/ёки Суғурталовчи суғурта полисини бергандан кейин, Суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдорини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумотларни Суғурталовчига маълум қилган бўлса, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мазкур Шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

6.3. Суғурта полиси, унда унинг амал қилиши бошланадиган кун деб белгиланган сананинг 00 соат 00 дақиқасидан кучга киради, бироқ суғурта мукофоти тўланган санадан илгари эмас. Суғурта полисининг амал қилиш муддати, унда якунланиш куни деб белгиланган сананинг 24 соат 00 дақиқасида тугайди.

Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг муайян суғурта полиси бўйича суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти аҳдлашилган суғурта мукофоти тўланган санадан юзага келади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

6.4. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланган кунда расмийлаштирилади.

6.5. Мазкур Шартнома (суғурта полиси) унинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор бўлади.

7 БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суғурта полиси амал қилиш муддатида мазкур Шартноманинг шартлари бўйича маслаҳатлар олишга;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурталанган таваккалчилик бўйича, суғурта полисида белгиланган суғурта пули чегарасида суғурта товонини олишга;

в) Суғурталовчидан мазкур Шартноманинг шартларини бажарилишини талаб этишга.

7.2. Суғурта қилдирувчи мажбур:

а) шартлашилган суғурта мукофотини белгиланган миқдор ва тартибда ўз вақтида тўлаши;

б) Ҳайдовчиларга мазкур Шартнома талабларини етказиши;

в) суғурта полиси расмийлаштирилаётганда маълум қилган ҳолатлар бўйича ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида Суғурталовчига дарҳол ёзма равишда хабар бериш, Суғурталовчига барча ҳужжатларни (далил ва исботларни), шунингдек Суғурталовчига ўтказилган суброгация ва регресс тартибида ўтказилган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни тақдим этиш.

Муҳим деб қуйидаги ўзгаришлар тан олинади: суғурталанган ТВни ижарага (субижара, лизинг) бериш; ТВни бегоналаштириш (сотиш, ҳадя ва бошқалар), ТВни гаровга қўйиш ва (ёки) унга бошқа усулларда ҳуқуқларни юклаш; ЙҲХББда ТВни ҳисобдан чиқариш, қайта рўйхатга олиш; рақамли агрегатларни (кузов, двигатель ва ш.к.) алмаштириш ёки агрегатларнинг ўзини алмаштирмаган ҳолда агрегатлар рақамини алмаштириш; ТВ аэродинамик ва техник хусусиятларига таъсир кўрсатадиган қўшимча ускунани ўрнатиш, электрон тизимларининг ўчиши, ишдан чиқиши; ТВ қулфи калитларининг ва (ёки) ТВни рўйхатга олиш ҳужжатларини йўқотилиши; ТВни олиб қочишга (ўғирлашга) қарши воситасида, двигателни автоматик ишга тушириш тизимларида, эшикларни масофадан очиш тизимларида носозликнинг пайдо бўлиши ва (ёки) бундай воситалар ва (ёки) тизимларни ТВга ўрнатиш ва (ёки) ечиш;

г) ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, суғурталанган ТВдан фойдаланиш ва/ёки сақлаш

қоидаларига риоя қилишга;

д) шикастланган ТВни таъмирлаш-тиклаш ишларидан аввал, Суғурталовчи билан ТВни кўздан кечириш жойи, санаси ва вақтини келишишга;

е) Суғурталовчи билан келишмасдан туриб, шикастланган суғурталанган ТВни демонтаж (ТВни алоҳида қисмларга бўлиш) ёки таъмирлаш бўйича ҳеч қандай ишларни бошламасликка, ТВда бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли органларнинг буйруқлари ва фармойишларини бажарилиши заруриятига боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

ж) суғурта воқеаси содир бўлганда ТВни қаровсиз қолдирмаслик ва ТВни янада шикастланишини ёки нобуд бўлишини олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўришга;

з) ўғирланган ТВ топилганда ва Суғурта қилдирувчига қайтарилганда, Суғурталовчидан шунинг учун олинган суғурта товонини қайтариб беришга. Агар ТВ шикаст етказилган ҳолда топилган бўлса, Суғурта қилдирувчига суғурталанган ТВга етказилган зарар қоплаб берилади;

и) зарар етказган шахс ёки зарар етказган шахснинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган суғурта компанияси, етказилган зарарни қоплаб берганлиги тўғрисида Суғурталовчини хабардор этишга.

7.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартномани бекор этишни талаб қилишга, агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи мазкур Шартноманинг 7.1.2 (в) ва 7.1.4 (а) кичик бандларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини оқилона ўзгартиришга ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирса;

б) суғурта товонини тўлашни рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи:

- била туриб Транспорт востасини комплекс суғурта қилиш шартномасига/суғурталанган ТВ / суғурта воқеасига оид ёлғон ва нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;
- мазкур Шартноманинг шартларини бажармаётган бўлса;
- содир бўлган суғурта воқеаси тўғрисида мазкур Шартномада белгиланган муддат ва усулда Суғурталовчини ўз вақтида ва узрли сабабсиз хабардор этмаса;
- мазкур Шартнома ва суғурта полисидан фойда чиқариш мақсадида алдов усуллари ва воситаларидан фойдаланса;
- зарар етказган шахсга даво қилишдан ва/ёки унга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса, шунингдек зарар етказган шахсга регресс талабларини қўйиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этишдан бош тортса;
- агар зарар миқдори зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса;
- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан содир бўлган воқеа характери, сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки била туриб ёлғон ҳужжат ва маълумотларни тақдим этса;
- содир бўлган воқеа Шартномада назарда тутилган истисноларга кирадиган бўлса

в) суғурта полиси расмийлаштирилгунга қадар ва ундан кейин исталган вақтда суғурталанган ТВнинг ҳолати ва қийматини баҳолаш учун кўрсатишни Суғурта қилдирувчидан талаб қилиш, шунингдек Суғурта қилдирувчи маълум қилган маълумотларни тўғрилигини текшириш;

г) зарурият туғилганда, содир бўлган суғурта воқеаси факти ва сабабларини, шунингдек етказилган зарарнинг рўйхати ва хусусиятларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ахборотларни тақдим этиш юзасидан ваколатли органларга сўров юборишга;

д) шикастланган ТВни кўздан кечиришга ёки кўрикдан ўтказишга, шу жумладан тиклаш бўйича таъмирлаш пайтига қадар ТВни кўздан кечиришга, шунингдек зарар сабаби ва миқдорини суриштириш;

е) суғурталанган ТВнинг шикастланган қисмлари ёки қолдиқларини (қисмларининг қолдиқларини) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига тақдим этишдан бош тортганда, улар

қолдиқларсиз нобуд бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно, шунингдек мазкур Шартномада ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатларда, суғурта товонини тўлашни рад этиш;

ж) суғурта хавфи ортганда, суғурталаш шартларини ўзгартиришни ёки хавф ортишига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофоти тўлашни талаб қилишга.

7.4. Суғурталовчи мажбур:

а) Суғурта қилдирувчига мазкур Шартнома шартлари бўйича маслаҳатлар беришга;

б) мазкур Шартномада белгиланган муддат ва тартибда суғурта полисини беришга;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, мазкур Шартномада белгиланган тартибда суғурта товонини тўлаб беришга.

7.5. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари ва ўз зиммаларига бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

8 БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ БЕЛГИЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАНДА, ТОМОНЛАРНИНГ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ

8.1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлганда, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи, Ҳайдовчи) қуйидагиларга мажбур:

8.1.1. жабрланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини асраб қолиш, суғурталанган ТВни сақлаб қолиш учун зудлик билан барча чораларни кўришга, шу жумладан зарарланган ТВни қаровсиз қолдирмаслик, агар у ўз йўли билан ҳаракатланиш имкониятини йўқотган бўлса, шикастланган ТВни фото - ёки видео орқали суратга олишни амалга оширишга.

Агар ТВ суғурта ҳодисаси натижасида ўз йўли билан ҳаракатланиш имкониятини йўқотган бўлса, Суғурта қилдирувчи ТВни воқеа жойидан эвакуация қилиш учун эвакуатор хизматидан суғурта полисининг амал қилиш муддатида бир марта фойдаланишга ҳақли. Бунда мазкур хизмат учун суғурта полисининг амал қилиш муддатида Суғурталовчи қоплаб берадиган харажатларнинг энг кўп миқдори, тасдиқловчи ҳужжатлар асосида БҲМнинг 2 (икки) бараваридан ошмаслиги керак.

8.1.2. шикастланган ТВни, Суғурталовчи (унинг вакили) кўздан кечиргунга қадар, шикастланишга олиб келган воқеа содир бўлгандан кейин у бевосита қандай ҳолатда бўлса, шундайлигача асраб қўйиш.

Шикастланишнинг даражаси ва хусусиятини ўзгартириш фақат ваколатли органларнинг талабларига мувофиқ, хавфсизлик ва/ёки одамларни қутқариш, зарарни камайтириш нуқтаи назаридан йўл қўйилади ёки агар бунга Суғурталовчини розилиги олинган бўлса: бундай ҳолатда, Суғурта қилдирувчи тафсилот билан боғлиқ бўлган барча шикастланишларни фото- ёки видео ёрдамида суратга олиш орқали фиксация қилиши ва ушбу материалларни Суғурталовчига тақдим этиши шарт;

8.1.3. дарҳол – суғурта воқеаси содир бўлган пайтдан 72 (етмиш икки) соатдан кечиктирмасдан ҳар қандай мумкин бўлган усулда, Суғурталовчини ёки уни вакилини хабардор қилишга;

8.1.4. Суғурталовчига 5 (беш) иш куни ичида суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани йўллашга, шунингдек суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа сабаблари, факти ва тафсилотларини, етказилган зарар миқдорини тасдиқловчи барча зарур ҳужжат ва далилларни, шу жумладан мазкур Шартноманинг 9 бўлимида белгиланган ҳужжатларни тақдим этишга;

8.1.5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-155-сон Қонунида назарда тутилган мажбуриятларни бажариш, шу жумладан, Суғурталовчи томонидан учинчи шахсларнинг даъволарини кўриб бўйича Суғурталовчининг судларда ва бошқа органларда, шикастланган ТВни кўздан кечиришда, етказилган зарарни баҳолашда иштирок этишини таъминлаш учун барча чораларни кўриш;

8.1.6. воқеани ҳужжатлар билан тасдиқланиши таъминлаш мақсадида дарҳол ваколатли органларга мурожаат этишга, шу жумладан:

а) **ЙТҲ**да – ЙҲХББга. ЙТҲда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ЙТҲ айбдорини (Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича) жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган барча расмиятчиликларнини бажаришга, жумладан: ТВни рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини, ЙТҲ айбдори тўғрисида маълумотларни (Ф.И.Ш, манзили, телефон рақами), ҳодиса гувоҳларини фамилиялари ва манзиллари, ТВЭФЖМСҚ полисининг рақами, берилган санаси, ТВЭФЖМСҚ полисини берган суғурта компаниясини номини ёзиб олишга.

Қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда, Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича зарарни қоплаш юзасидан тегишли суғурта компаниясига ёзма ариза билан мурожаат қилишга, шикастланган ТВни кўздан кечириш ва зарарни баҳолаш учун тақдим этишга. Суғурталовчига шикастланган ТВни кўздан кечириш учун белгиланган сана ва жой тўғрисида хабар қилишга. Мазкур бандда белгиланган мажбуриятлар Суғурта қилдирувчи томонидан бажарилмаганда, мазкур Шартноманинг 8.2 банди шарти қўлланилади.

б) **ўғирланганда (олиб қочилганда), учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатларида, ТВга механик шикаст етказилганда, тўсиққа урилганда** (ЙТҲ бундан мустасно) – ички ишлар органларига;

в) **ёнғин ва портлаш ҳолатида** – ФВВ органларига ва/ёки ЙҲХББга. Ёнғин ва портлашга оид ҳужжатларда уларнинг сабаблари кўрсатилиши шарт;

г) **табиий офатларда** – Ўзгидромет ёки содир бўлган фавқулоддаги вазиятлар ва/ёки хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни квалификация қилиш бўйича ваколатига эга бўлган бошқа шунга ўхшаш ташкилотларга;

д) **суғурталанган ТВга ташқи механик таъсирида ва тўсиққа урилганда**:

- воқеа содир бўлган ҳудудда ободонлаштиришни ташкил этиш ва/ёки тартибни сақлашга жавобгар бўлган ташкилотларга (ш.ж. бошқарувчи компаниялар, коммунал-таъмирлаш авария хизматлари ва ҳ.);
- содир бўлган тафсилотни фиксация қилишни амалга ошириш ва суриштирувни ўтказиш ваколатига эга бўлган ваколатли давлат органига;

е) **“Автофуқаролик жавобгарлиги”** таваккалчилиги бўйича жабрланганларга зарар етган ҳолларда, Суғурта қилдирувчи шунингдек қуйидагиларга мажбур:

- учинчи шахсларнинг етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги ҳар қандай талабномалар, шу жумладан тақдим этилган зарар билан боғлиқ (ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин) бўлган даъво/талабномалар бўйича суриштирув ва/ёки тергов тўғрисида Суғурталовчини хабардор қилишга;
- жабрланувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма талабномаси олинган кундан бошлаб 48 соатдан кечиктирмай Суғурталовчига талабнома нусхасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни юборишга;
- зарар етказган ҳодисанинг ҳолатларини ўрганишда ёки талабномани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган (ҳам Суғурта қилдирувчининг, ҳам Суғурталовчининг) манфаатларни ҳимоя қилишда, Суғурталовчи билан ҳамкорлик қилишга.

ж) суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир бўлганда *– суғурталанган ТВ билан воқеа содир бўлган ҳудуд мамлакатидаги миллий қонунчиликка мувофиқ қайд этиш ва суриштирув ўтказиш бўйича ваколатга эга бўлган тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва/ёки давлат ваколатли органларига.*

8.1.7. Ички ишлар органлари ходими иштироки билан ЙТҲ тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилиши талаб қилинмайди, агар суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ–155-сонли “Транспорт воситалари

эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Қонунининг 20-1 ва 20-2 моддалари мезонларига мувофиқ келадиган бўлса.

8.1.8. Суғурталовчига ёки мустақил эксперт ташкилотига (мустақил экспертга) шикастланган ТВни тўсқинликсиз кўздан кечиришини таъминлаш;

8.1.9. Суғурталанган ТВга учинчи шахсларнинг айби билан зарар етказилган тақдирда, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи, Ҳайдовчи) зарар етказилишида айбдор бўлган шахсни аниқлаши ва айбдор томонга талаб қилиш ҳуқуқини таъминлаш бўйича чораларни кўриши шарт.

8.2. Агар мазкур Шартноманинг 8.1.1- 8.1.9 кичик бандларида белгиланган мажбуриятлар Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи, Ҳайдовчи) томонидан бажарилмаслиги натижасида содир бўлган суғурта ҳодисаси фактини, унинг содир бўлиш тафсилотларини, етказилган зарар миқдорини (суғурта тўлови миқдори) аниқлаш имкони бўлмаса, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти юзага келмайди.

9 БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ БЕЛГИЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАНДА, СУҒУРТАЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР. СУҒУРТА ДАЪВОЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

9.1. Суғурта воқеаси содир бўлганлиги тўғрисида ёзма ариза тақдим этилгандан кейин Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи 5 (беш) иш куни ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлган пайтда ТВни бошқарган Ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ТВдан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ҳуқуқини тасдиқловчи Суғурта қилдирувчи номидан берилган ҳужжатлар;

б) ТВни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ТВни мажбурий техник кўрикдан ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) лицензияга эга баҳолаш ташкилотининг суғурталанган ТВга етказилган зарарни баҳолаш юзасидан тузган ҳисоботининг асли ёки тасдиқланган нусхаси;

г) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиши бошланишига қадар шикастланган ТВ ёки унинг барча қисмларини фото ва ва видеоси;

д) эвакуатор харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар мазкур хизмат тақдим этилган бўлса);

е) ТВЭФЖМСҚ полиси бўйича тўланган суғурта товонини ҳақиқатдаги миқдорини ёки суғурта товонини тўлашни рад этилганлиги (хабари берилган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олинмаганлиги) тасдиқловчи суғурта товони тўлови тўғрисидаги ҳужжатлар (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);

ж) қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар, шу жумладан – ваколатли органлар ҳужжатлари, суд қарорлари, ва суғурта ҳодисаси белгиларига эга содир бўлган воқеанинг жойи, вақти ва тафсилотларини, суғурталанган ТВнинг шикастланган ва/ёки ўғирланган қисмлари (деталлари) рўйхатини, воқеа иштирокчилари ва уларнинг айблилик даражасини, суғурта товони миқдорини аниқлаш учун Суғурталовчига зарур бўлган маълумотлар.

Бундай ҳужжатларга қуйидагилар киради:

- ЙТҲ жойи, вақти ва иштирокчилари тўғрисидаги ахборотни, ЙТҲ иштирокчилари ТВларига етказилган шикастлар рўйхати ва хусусиятлари, ЙТҲ ҳар бир иштирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидалари бузилган ёки бузилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, ЙТҲ иштирокчиларини тиббий кўрикка юборилганлиги тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олувчи ИҲҲББ томонидан берилган маълумот ва/ёки суд қарори – **ЙТҲ ЙҲХББ ходимлари томонидан расмийлаштирилганда**;
- Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ–155-сонли “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”

Қонунининг 20-1 ва 20-2 моддаларига мувофиқ суғурталанган ТВ иштирокидаги ЙТҲга алоқадор ҳайдовчилар томонидан тўлдирилган ва имзоланган ЙТҲ ҳақидаги билдиришнома бланкаси, унинг иловалари билан шунингдек, содир бўлган йўл-транспорт ҳодисасини мажбурий суғуртани амалга оширган тегишли суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси сифатида тан олинганлигини ва суғурта товонини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат - **ЙТҲ ЙҲХББ ходимлари иштирокисиз расмийлаштирилганда**;

- ёнғин/портлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ФВВлиги органларининг далолатномаси ёки маълумотномаси – **ёнғин/портлаш ҳодисасида**;
- Ўзгидромет ёки Ўзбекистон Республикаси ФВВ берилган маълумотнома (ёки бошқа ҳужжат) – **табиий офатларларда**;
- воқеанинг келиб чиқиш сабаби, санаси, воқеа жойи, таъмирланиши (тикланиши) лозим бўлган зарар миқдори, айбдори (агар бундай айбдор суриштирув жараёнида аниқланган бўлса) тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган, ИИО таянч пунктлари, маҳалла фуқаро йиғини ёки воқеа содир бўлган ҳудудда ободонлаштириш ва/ёки тартибни сақлаш бўйича жавобгар бўлган ташкилотлар (ш.ж. бошқарувчи компаниялар, коммунал-таъмирлаш авария хизматлари ва ҳ.) томонидан берилган далолатнома-маълумотнома – **ташқи механик таъсирда, тўсиққа урилганда**;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг (ИИБ, прокуратура) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарори ёки жиноят ишини қўзғатмаслик тўғрисида қарори – **ўғирлик (олиб қочиш), учинчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари ҳодисаларида**.
- Суғурталанган шахснинг меҳнатга лаёқатсизлигини йўқотиш фактини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки Суғурталанган шахснинг ўлими фактини тасдиқловчи ва уларнинг юзага келиш ҳолатларини тавсифловчи ҳужжатлар (Суғурталанган шахс даволанган тиббиёт муассасаларидан маълумотномалар ва кўчирмалар; касаллик варақалари; Суғурталанган шахснинг ногиронлик гуруҳини аниқлаш тўғрисидаги маълумотнома; ФХДЁ органи томонидан берилган Суғурталанган шахснинг ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома ва бошқалар) – **“Автофуқаролик жавобгарлиги”**, **“Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса”** таваккалчиликлари бўйича**.**

Воқеа Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида содир бўлганда, ҳодиса содир бўлган мамлакатнинг тегишли ваколатли органлари томонидан расмийлаштирилган худди шундай ҳужжатлар тақдим этилади. Чет тилида расмийлаштирилган ҳужжатлар, Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи) ҳисобидан давлат ёки рус тилига таржима қилиниши ва нотариал тасдиқланиши шарт.

9.2. Суғурталовчи юқорида баён этилган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришга, шунингдек Суғурта қилдирувчидан/Наф олувчидан қўшимча ҳужжатларни, агар уларнинг мавжуд эмаслиги муайян тафсилотларнинг ҳисоби билан суғурта ҳодисасини содир бўлганлиги фактини аниқлаш ва зарар миқдорини белгилаш имкониятини бермаса, талаб қилишга ҳақли.

9.3. Суғурталовчи, зарур ҳолларда, содир бўлган воқеа бўйича ахборотга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа муассаса ва ташкилотлардан воқеа билан боғлиқ маълумотларни мустақил равишда сўраб олиши мумкин, шунингдек суғурта воқеаси сабаблари ва тафсилотларини мустақил суриштиришга ҳақли.

9.4. Суғурталовчининг суғурта ҳодисасини тан олиш (суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаши) ёки рад этиш (суғурта товонини (суғурта пулини) тўланмаслиги) тўғрисидаги қарори, тегишли шахс (Суғурта қилдирувчи, Наф олувчи) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, шунингдек, мазкур Шартномада кўрсатилган, суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи қонун ҳужжатларига мувофиқ Суғурталовчи томонидан мустақил равишда олинган ҳужжатлар, шунингдек хабар қилинган зарар миқдори асосида қабул қилинади.

9.5. Суғурталовчининг суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товонини (суғурта

пулини) тўлаш тўғрисидаги қарори, суғурта товонини (суғурта пулини) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга, бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 7 (етти) кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар қилиниши керак.

Ёзма хабарномада тўланиши лозим бўлган суғурта товонининг суммаси, олувчининг (Наф олувчининг ёки Суғурта қилдирувчининг) банк реквизитлари ва суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш муддати кўрсатилади, мазкур муддат суғурта товонини (суғурта пулини) олувчи ёзма равишда хабардор қилинган кундан эътиборан 15 (ўн беш) кундан ошмаслиги керак.

Суғурта товонини (суғурта пулини) олувчи унинг ҳисоб-китоби бўйича ўз эътирозларини фақат ёзма хабарномада кўрсатилган муддат ичида юборишга ҳақли.

9.6. Суғурталовчи суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори, Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига) улар суғурта товонини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим. Бунда кўрсатилган муддатдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан суғурта ҳодисасининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта тўлови) миқдорини аниқлаш учун талаб қилинадиган ахборот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш учун ўтган вақт мустасно.

9.7. Суғурта ҳодисасини тан олиш ва суғурта товонини рад этиш тўғрисидаги қарор фақат Суғурталовчи сўраган барча ҳужжатларни Суғурта қилдирувчи тўлиқ тақдим этган тақдирда қайта кўриб чиқилади.

Мазкур Шартноманинг 9-бўлим, 9.1.-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилганда, суғурта товони тўғрисидаги қарорни қайта кўриб чиқиш ва қабул қилиш 15 (ўн беш) календарь кунидан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

9.8. Агар воқеаси содир бўлганлиги факти муносабати билан жиноят иши, фуқаролик иш юритуви ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган тўлов масаласи бўйича қарор қабул қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиш пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

9.9. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини, шунингдек етказилган зарарларни исботлаш Суғурта қилдирувчи ва Наф олувчи зиммаларига юкланади.

10 БЎЛИМ. СУҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. “Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши” таваккалчилиги бўйича суғурта товони қуйидаги шаклда тўланади:

10.1.1. ТВ нобуд бўлганда ва йўқотилганда – етказилган зарар (лицензияга эга баҳоловчи ташкилотнинг зарар баҳолаш ҳисоботига мувофиқ) миқдорида ёки суғурта полисида белгиланган суғурта пули миқдорида, қуйидагиларни чиқариб ташлаган ҳолда:

а) шартсиз франшизанинг белгиланган суммаси;

б) аввал тўланган суғурта товонлари суммаси;

в) келгусида фойдаланиш ёки реализация қилиш учун яроқли суғурталанган ТВ конструкциясининг шикастланмаган деталлари, боғламалари ва элементларининг қолдиқ қиймати (лицензияга эга баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланади);

г) Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олинган суғурта товони суммаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);

д) етказилган зарарнинг баҳолаш харажатлари ва/ёки суғурталанган ТВнинг қолдиқ қийматини аниқлаш харажатлари.

10.1.2. ТВ шикастланганда – етказилган зарар (лицензияга эга баҳоловчи ташкилотнинг зарар баҳолаш ҳисоботига мувофиқ) миқдорида ёки суғурта полисида белгиланган суғурта пули миқдорида, қуйидагиларни чиқариб ташлаган ҳолда:

а) шартсиз франшизанинг белгиланган суммаси;

б) ТВнинг алмаштириладиган деталлари, қисми ва ўзининг эскириш қиймати;

в) ТВнинг қиймати, товар кўриниши йўқотилиши ва эскириш суммаси;

г) Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олинган суғурта товони суммаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);

д) суғурталанган ТВга етказилган зарарнинг баҳолаш харажатлари.

Заруриятдан келиб чиқиб, Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчидан фойдаланишга ёки реализация қилиш учун яроқли бўлган суғурталанган ТВ конструкциясининг шикастланмаган деталлари, боғламалари ва элементларининг қолдиқ қийматини аниқлаш бўйича ҳисоботини талаб қилишга ҳақлидир.

Суғурталовчи, мазкур Шартноманинг ушбу банди шартларига амал қилган ҳолда, суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида суғурталанган ТВга етказилган, ҳужжат билан тасдиқланган ва таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида аниқланган яширин шикастланишларни бартараф қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплайди.

10.1.3. Суғурта қилдирувчининг ТВни воқеа жойидан эвакуация қилиш учун қилган харажатлари, Суғурталовчи томонидан суғурта полисининг амал қилиш муддати давомида тасдиқловчи ҳужжатлар асосида фақат бир марта БҲМнинг 2 (икки) бараваридан ошмаган миқдорда қоплаб берилади.

10.2. “Автофуқаролик жавобгарлиги” ва “Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса” таваккалчиликлари бўйича суғурта товони (суғурта товонининг ҳисоб-китоби) Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 2008 йил 21 апрелдаги 155-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари”га мувофиқ амалга оширилади.

10.3. Суғурталовчи суғурта товонини қуйидагича тўлашга ҳақли:

10.3.1. ТВни таъмирлаш-тиклаш йўли билан. Таъмирлаш-тиклаш ишлари, Суғурталовчи билан шартномавий муносабатларда бўлган автомобилга техник хизмат кўрсатиш станциясида ва Суғурталовчининг йўлланмасига кўра амалга оширилади.

10.3.2. Наф олувчи ёки Суғурта қилдирувчининг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

10.4. Агар Наф олувчи ўз талабларини суғурта пули суммасидан қондириш бўйича ҳуқуқидан фойдаланса, Суғурталовчи суғурта товонини Наф олувчига ўтказиб беради. Агар суғурта товони суммаси талаблар суммасидан кўп бўлса, унда қолган қисми Суғурта қилдирувчига тўланади.

Наф олувчи ўз талабларини суғурта товони суммасидан қондириш бўйича ҳуқуқидан фойдаланмаган бўлса, суғурта товони тўлови Наф олувчининг розилиги билан Суғурта қилдирувчининг фойдасига амалга оширилади.

10.5. Суғурта ҳодисаси содир бўлган кундаги амалдаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) бараваридан ошмайдиган, етказилган зарар миқдоридаги суғурта товони, қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда, Суғурта қилдирувчи ваколатли органларнинг суғурта ҳодисаси юз берганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этмасдан амалга оширилиши мумкин:

- суғурта ҳодисаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир бўлган бўлса;
- суғурта ҳодисасининг содир бўлишида айбдор бўлган учинчи томон мавжуд бўлмаса;

• Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги ариза Суғурталовчи томонидан суғурта полисининг амал қилиш даврида олинган бўлса.

Кўрсатилган базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравар чегараси ҳам алоҳида бир суғурта ҳодисаси учун, ҳам мазкур шартга тўғри келадиган барча суғурта ҳодисаларининг умумий миқдори учун белгиланган.

Суғурта товонини базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) бараваридан ортиқ миқдорда амалга ошириш учун ваколатли органларнинг суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этиш мажбурийдир. Мазкур ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, суғурта товони миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари билан чекланади.

10.6. Агар зарар суммаси зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қоплаб берилса ва/ёки қопланаётган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта товонини олиш бўйича ўз ҳуқуқини йўқотади.

10.7. Суғурталовчига суғурталанган ТВга ёки унинг шикастланган қисмларига нисбатан мулк ҳуқуқи, тўланган суғурта товони (суғурта пули) доирасида ўтказилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 958-моддаси).

11 БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ (РЕГРЕСС)

11.1. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг зарарни қоплаш бўйича етказилган зарарга нисбатан жавобгар шахсга бўлган талаб қилиш ҳуқуқи, тўланган суғурта товони миқдори доирасида Суғурталовчига ўтади.

11.2. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Суғурталовчига бериши ҳамда барча маълумолларни унга маълум қилиши шарт.

11.3. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчи томонидан қопланган зарарлар учун айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш уларнинг ёки Ҳайдовчининг айби билан имконсиз бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки тегишли қисмида тўлашдан озод қилинади ва тўланган суғурта товони миқдорини қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

11.4. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига олинган компенсациялар тўғрисида, шу жумладан агар бундай компенсациялар, Суғурталовчи суғурта товонини тўлаганидан кейин ва/ёки суғурта даври якунлангандан кейин олинадиган бўлса ҳам, хабар қилиши шарт. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига бундай суммалар тўғрисида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида хабар қилиши ва Суғурталовчига 15 (ўн беш) кун ичида унга тегишли бўлган суммани тўлаб бериши шарт.

12 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

12.2. Томонлар, агар улар бу ҳолнинг Томонлар олдиндан кўриши ёки оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган фавқулодда хусусиятдаги воқеалар натижасида суғурта полиси берилгандан кейин кейин юз берган, енгиб бўлмас кучдаги ҳолатлар (форс-мажор) юзага келиши оқибатида юз берганлигини исботлай олса ва Томонлар ўз мажбуриятларини тегишлича бажариш юзасидан уларга боғлиқ бўлган ва мумкин бўлган барча чораларни кўрган бўлса, ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки тегишлича бажармаслиги учун жавобгар бўлмайди. Томонлар бир-бирини форс-мажор ҳолатлар юзага келганлиги ҳақида уларнинг юзага келиши пайтидан бошлаб уч иш куни ичида хабардор этиши шарт.

12.3. Томонлар, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сонли “Суғурта фаолияти тўғрисида” Қонунининг 14 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 933-моддасига мувофиқ, мазкур Шартнома бўйича муносабатлар муносабати билан уларга ошкор бўлиб қолган ахборотни махфийлигини таъминлаш ва уни ошкор этилишига йўл қўймаслик бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

12.4. Суғурта қилдирувчи ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлар бўйича Суғурталовчи жавобгарлик олиб бормайди.

12.5. Суғурта полиси бажарилишида юз бериши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар, имкон қадар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаганда, Томонлар қонунчиликда кўзда тутилган судгача низоларни тартибга солиш таомилини амалга оширгандан кейин, уларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда Суғурталовчини давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади.

12.6. Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаётиб, Суғурталовчига, Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси (суғурта полиси) шартларини бажарилиши учун, шунингдек қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадлар йўлида Суғурта қилдирувчининг ҳар қандай шахсий маълумотларидан ишлов беришга ва фойдаланишга розилигини билдиради. Ҳар қандай ахборотларга ишлов бериш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ёки уларсиз амалга оширилади, шу жумладан суғурта шартномаси (суғурта полисини) тузиш ва бажариш муносабати билан Суғурталовчига тақдим этилган шахсий маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

13 БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига кўра ёзма шаклда киритилади.

13.2. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома.

2-сонли Илова. Транспорт воситаларини кўздан кечириш далолатномаси.

13.3. Мазкур Шартномада кўрсатиб ўтилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.4. Мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар томонларнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

13.5. Мазкур Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

14 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

СУҒУРТАЛОВЧИ номидан	**СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ номидан**
“APEX INSURANCE” АЖ	_____
Манзили: _____	Манзили: _____
Тел.: (99871) _____	Тел.: (99871) _____
Б/ҳр: _____	Б/ҳр: _____
Банк _____	Банк _____
Банк коди _____	Банк коди _____
СТИР _____	СТИР _____
КТУФ _____	КТУФ _____

ТОМОНЛАР ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ	**СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ**
_____	_____
имзо м.ў.	имзо м.ў.

20__ йил “___” _____даги _____ -сонли
Транспорт воситаларини комплекс суғурта қилиш шартномасига
1-сонли ИЛОВА

“APEX INSURANCE” АЖ

СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА АРИЗА-СЎРОВНОМА

_____ш. “____” _____ 20__й.

Суғурта қилдирувчи	
Суғурта мукофотини тўлаш тартиби	Суғурта мукофоти БИР ЙЎЛА тўланади.

т/р	ТВ маркаси ва модели, ТВ тоифаси	Ишлаб чиқарилган йили	ТВнинг давлат рақами, ТВ кузов (шасси) рақами	Техпаспорт рақами	Юк кўтариш ҳажми/ Хайдовчини ҳисоби билан бирга ўриндиқлар сони	Суғурталанган ТВни йўқотилиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши			Автофуқаролик жавобгарлиги		Суғурталанган шахслар билан бахтсиз ҳодиса			Жами суғурта мукофоти
						ТВни суғурта (ҳақиқий) қиймати	Суғурта пули	Суғурта мукофоти	Суғурта пули	Суғурта мукофоти	Суғурта пули	1 нафар шахс учун Суғурта пули	Суғурта мукофти	
1														
2														
3														
...														
ЖАМИ:														

Декларация: Ушбу билан мен Суғурта қилдирувчи 20__ йил “___” _____даги _____ -сонли Транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш Шартномаси (бундан буён матнда – Суғурта шартномаси) шартларини қабул қиламан ва қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Суғурта шартномаси билан танишиб чиқдим (ўқиб чиқдим), ва уни шартларини ҳеч қандай изоҳ ва эътирозларсиз тўлиқ ҳажмда қабул қиламан, унда мен учун оғир бўлган ҳар қандай шартлар баён қилинмаган;
- Суғурта компанияси томонидан Суғурта шартномаси бўйича суғурта хизматларини тақдим этиш шартлари, суғурта полисини тузиш учун зарур ҳужжатлар рўйхати, Суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда, жавобгарлик ва эҳтимолий оқибатлари юзасидан батафсил ахборот берилган;
- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини 931-моддасига мувофиқ суғурта шартномаси тузилаётганда била туриб ёлғон маълумот берилиши суғурта товонини тўланилиши рад этилишига асос бўлиб ҳисобланиши мумкинлиги тўғрисида хабардор этилганман;
- Ўзбекистон Республикаси 02.07.2019 йилдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-547-сонли Қонуни талабларига мувофиқ шахсга доир маълумотларни ишлов беришга розилигимни билдираман;
- Мен, суғурта полиси тузилгунга қадар ёки берилгандан кейин, мазкур аризада келтирилган ахборотлардаги барча ўзгаришлар тўғрисида, Суғурталовчини хабардор қилиш бўйича мажбуриятни ўз зиммамга оламан.

Суғурта қилдирувчи номидан:

_____ _____ **/ /20 й.**

Ф.И.Ш. (мансаби) *Имзо / м. ў.* *Сана*

Суғурталовчи номидан:

_____ _____ **/ /20 й.**

Ф.И.О. (мансаби) *Имзо / м. ў.* *Сана*


20__ йил “___” _____даги _____ -сонли
Транспорт воситаларини комплекс суғурта қилиш шартномасига
2-сонли ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100077,
М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 154-А уй
Тел: (99871) 140 12 34, Тел/Факс: (99871) 140 12 34
https://aic.uz

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Мазкур далолатнома «___» _____ 20__ й. ___ -сонли суғурта полисига илова қилинади ва унинг нинг ажралмас қисми деб ҳисобланади.

Марка ва модели	*Ишлаб чиқарилган йили*	*Кузов рақами (VIN)*	*Двигатель рақами*	*Давлат рўйхатга олиш рақами*



Нуқсон жойлашувини суратда ✗ белгиси билан кўрсатинг ва изоҳга рақам қўйинг, кейин эса қуйидаги жадвалда тегишли рақам остида нуқсонни тасвифланг.

№	**Нуқсон тавсифи** *(ойна, фара, фонарь, кузов, бампер ва ТВнинг бошқа элементларидаги нуқсонлар, шунингдек коррозия ўчоги мавжудлиги ёки транспорт воситаси конструкциясида назарда тутилган, унда йўқ бўлган элементлар кўрсатилади)*
1	
2	
3	
4	
5	
6	
7	
8	
9	
10	

Қўшимча ускуна

Суғуртага қабул қилинаётганда транспорт воситасида қуйида кўрсатилган қўшимча ускуналар бўлган.

№	Номи	Спецификацияси	Сони	Қиймати *(сўмда)*
1	Автомагнитола			
2	Орқа томон овоз кучайтиргичлари			
3	Олд томон овоз кучайтиргичлари			
4	Ўғирликка қарши курилма, транспорт воситасини ҳимоя ва излаб топиш воситалари			
5	CD-changer			
6	Саб-буфер			
7	Кучайтиргич			
8	Дисклар			
9	Шиналар			
10	Бошқа			

Спецификацияда ускунани марка ва моделини батафсил кўрсатинг, овозкучайтиргичлар учун уларнинг қуввати ва шиналар/дисклар учун радиусларини дюймларда янада батафсил.

Қўшимча ахборот

1	Ишлаб чиқарувчи завод томонидан ўрнатилган газ-баллон қурилмасини мавжудлиги	ҳа		йўқ	
2	Завод комплектациясига кирмайдиган газ-баллон қурилмаси мавжудлиги	ҳа		йўқ	
3	Кўздан кечириш пайтидаги ҳақиқатдаги йўл босиш					кмда

Суғурталовчининг вакили

Ф.И.Ш. _____

Сана _____ Имзо _____

Суғурта қилдирувчининг вакили

Ф.И.Ш. _____

Сана _____ Имзо_____

15. Юбориш

Бўлинмалар бўйича ҳужжатларни юбориш рўйхати		**Тўлдирилган сана** «__» _____ 202__ йил
–__	**Таҳририят №1**	**Амалга киритилган сана: «__» _____ 20__ йил**
Юбориладиган ҳужжатнинг номи		**ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ КОМПЛЕКС СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ**

№	**Ҳужжат юборилиши керак бўлган бўлинма/мансабдор шахснинг номи**
1	Юқори раҳбарият
2	Бўлинмалар раҳбарлари
3	Жараён раҳбарлари
4	Ички аудиторлар жамоаси
Ишлаб чиқувчининг имзоси	

16. Рўйхатдан ўтказиш варақаси

Ф.И.Ш.	**Лавозими**	**Танишиб чиқиш санаси**	**Имзо[1]**
1	**2**	**3**	**4**
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	
		___/_____/20__ й.	

[1] Ушбу имзо орқали мазкур Тартиб-қоидалар билан танишганимни, уларни тушунганлигимни ва ўз фаолиятимда уларга риоя қилишга содиқлигимни тасдиқлайман.

КЕЛИШИЛГАН:

Ш.Сайдахметов _____ «__» _____ 202__ й.
Ф.И.Ш. имзо

__Ф.Джураева__ _____ «__» _____ 202__ й
Ф.И.Ш. имзо

__Ж.Мўминов__ _____ «__» _____ 202__ й
Ф.И.Ш. имзо

ТАЙЁРЛАНГАН:

Стратегик ва барқарор ривожлантириш департаменти директори
Лавозим

Ш. Ахмедов
Ф.И.Ш.

имзо

«___» _____ 20___ й.
сана

Ҳужжат:

«___» _____ 20__ йилдан «___» _____ 202__ гача.

«___» _____ 20 ____ йилгача узайтирилди.

Муддати тугагандан кейинги ҳолат_____

_____ Сана

_____ Ҳужжатни бошқаришга масъул шахснинг имзоси

____-сон бўлинма нусхаси
Юбориш санаси «___» _____ 20___ й.

_____
(Ҳужжатни бошқаришга масъул шахснинг асл имзоси)